

ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2007 йил, 19 сентябрь, ЧОРШАНБА


Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 182 (10.991)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
Янгиликлар, воқеалар



оширмайди. Бу галги ярмаркада ҳам шартномалар салмоғи катта бўлиши кутилмоқда.

III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси катнашчилари «Ўзэкспомарказ» кўрғазма павильонларида пахта толасининг ранг-баранг намуналарини билан ақидан танишдилар. Бу ерда пахта сифатини баҳолаш ва танланган товарни сотиб олиш бўйича шартнома тузиш имконияти яратилган. Айни пайтда ярмарка иштирокчилари Ўзбекистон товар-хомуш бижасининг савдоларида қатнашиб, пахта толасини сотиб олиш имкониятига эга.

Ярмарка иштирокчиларининг салмоқли қисмини тўқимачилик саноати жадал ривожланиётган мамлакатлар, айниқса, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Корея Республикаси, Эрон, Туркия, Бангладеш, Покистон вакиллари ташкил қилади. Ушбу мамлакатлардан келатган иштирокчилар сони йилдан-йилга кўпаймоқда.

Ярмарканинг биринчи иш куни қизғин музокараларга бой бўлди. Хитой, Бангладеш, Россия, Покистон, Эрон, Туркия вакиллари билан мулоқотлар ўтказилди.

— Ўзбекистоннинг пахта толаси сифат жihatдан юксак марралари эгалламоқда, — дейди Туркиянинг Mutcular sanayi ve ticaret компанияси бошқаруви раиси Усмон Зенгер. — Уни мақбул нарх ва ҳажмда харид қилишда аънанавий Тошкент халқаро пахта ярмаркаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз ярмаркада самарали музокаралар ўтказиб, ҳар ойда камидан минг тоннадан тола сотиб олишни кўзлаб шартномалар тузишга аҳд қилдик.

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Анвар БОБОВЕВ,
Уза Мухбири
Наталья Семёнова
олган суратлар

ТОШКЕНТДА АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО ПАХТА ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

ШУ КУНЛАРДА БУТУН ДУНЁ ПАХТА САНОАТИ ВАКИЛЛАРИНИНГ НИГОҲИ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАРАТИЛГАН, ДЕЙИШ МУМКИН. ПОЙТАХТИМИЗДА УЧИНЧИ ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЯРМАРКАСИ ИШ БОШЛАДИ.

Ушбу аънанавий ярмарка Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси ҳамда «Cotton Outlook» журнали, «Узпахтасаноат» уюшмаси ва «Сифат» пахта толасини сертифицирлаш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ярмаркада 34 мамлакатнинг 250 компаниясидан 450 вакил иштирок этмоқда. Ташкилчи жамоа, иштирокчилар сонининг 2006 йилдаги ҳисобат қарий икки баравар кўпайгани Ўзбекистон пахта ярмаркасининг нуфузи ошиб, камрови кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Жаҳонда пахта етиштириш бўйича олтинчи, экспорт қилиш борасида иккинчи ўринда турадиган Ўзбекистонда истиқлол йилларида пахтачиликда туб таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Бунда пахтадан сифатли тола олишнинг янги технологияларини ривожлантиришга, бундай хомушнинг савдосига бозор иқтисодиёти таъминини ва механизмларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор берилди. Натияжада жаҳон бозорига Ўзбекистон пахта толасининг мавқеи ва рақобатбардорлиги кескин ошди.

Бозор иқтисодиёти Ўзбекистон селекционерлари олдида халқаро талаблардан келиб чиққан ҳолда янги навлар яратиш шартини қўйди. Бугун мамлакатимизда асосан тезпишар, толаси узун ва пишк, серхосил, касалик ва зараркунданларга бардошли пахта навлари мавжуд.

Миллий сертифицирлаштириш тизими ҳам туб ўзгаришларни бошдан кечирди. Пахта толаси сифатини белгилашнинг жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган HVI кўрсаткичлари тизимига ўтилди. «Сифат» маркази пахта си-



фати ва ҳар бир той толанинг вазнини назорат қилиш имконияти эга қўл тармоқли лабораториялар билан жиҳозланди.

Пахтани экспорт қилиш жараёнининг қандай бўлиши кўп жиҳатдан пахта терминаллари, транспорт инфратузилмаси ва логистика тизимининг қандай ташкил этилганлигига боғлиқдир. Бу хусусда Ўзбекистонда жами 400 минг тонна пахта толасини сақлаш имкониятига эга йигирмадан зиёд иختисослаштирилган пахта терминали фаолият кўрсатаётганини таъкидлаш лозим. Шунингдек, Ўзбекистон пахтасини ташқи бозор-

Кечка сатрларда

● **КЕЧА** Ўзбекистон Ёшлар театри ўзининг янги мавсумини Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» дostonи асосида Наби Абдулрахмонов режиссёрлигида яратилган спектакль билан очди.

● **ЎТГАН** куни шаҳримизда

хуқуқшунослар, адвокатлар иштирокчида ўтказилган семинарда аёлларнинг хуқуқини ҳимоя қилишда адвокатларнинг роли муҳокама қилинди.

● **ИЖТИМОЙ** ҳимоя йилгига бағишлаб Республика болалар ижтимоий мослашув маркази ташаббуси билан педагоглар, тарбиячилар иштирокчида уюштирилган семинар-тренингда ижтимоий ҳимоя йўналишида фаолият юритаётган кадрларнинг, хусусан меҳрибонлик уйлари,

қўву муассасалари тарбиячилари, педагогларнинг малакасини ошириш зарур эканлиги таъкидлаб ўтилди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида у-ш спорт секцияси аъзолари ўртасида Ижтимоий ҳимоя йилгига бағишлаб ўтказилган мусобақа «Спорт — саломатлик гарови» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови унинг конституциявий ваколат мuddати тугайдиган йилда — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида ўтказилиши белгиланганлигини инобатга олиб, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Жорий йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбаси — 2007 йил 23 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси 2007 йилнинг 21 сентябридан бошланиши эълон қилинсин.
3. Сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларнинг тартиби, бошқилари ва мuddатлари ҳақидаги аxbоротни сайловчилар, сиёсий партияларга белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясининг Аxbоротномаси ва бошқа оммавий аxbорот воситаларида эълон қилиш йўли билан етказиш таъминлансин.
4. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси М.АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 18 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

ТОШКЕНТДА 18 СЕНТЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING МАЪЛУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва бу ҳақда қарор қабул қилинди.

Мажлисида, шунингдек, сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик қўриш ва ўтказишга доир тадбирлар календар режаси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу куни Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишининг эълон қилиниши муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов мамлакатимиз ва хорижий оммавий аxbорот воситалари вакиллари Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»-ги Қонунинг 8-моддасига мувофиқ 2007 йил 23 декабрь — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилангани ва 2007 йилнинг 21 сентябридан сайлов кампанияси бошланиши тўғрисида қарор қабул қилганини маълум қилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»-ги Қонунга қатъий амал қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар календар режасини тасдиқлаганини қайд этди. Хусусан, сайлов округлари рўйхатлари сайловчилар сони ҳамда округ сайлов комиссиялари қаерда жойлашганлиги кўрсатилган ҳолда 9 октябргача матбуотда эълон қилинади.

(Давоми 2-бетда).

ИЗЧИЛЛИК ВА ҚАТЪИЯТ

ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИГАЧА РЕСПУБЛИКА ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АППАРАТИДА БОР-ЙЎГИ 10-15 НАФАР ХОДИМ БЎЛИБ, УЛАР НОМИГАГИНА ВАКИЛЛИК ВАЗИФАСИ ҲИСОБЛАНГАН ИШЛАР, ЯЪНИ ПРОТОКОЛ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ТУРЛИ ТАДБИРЛАР, АСОСАН ЧЕТ ЭЛЛИК МЕҲМОНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАРДИ, ХОЛОС.

Ислом КАРИМОВ.
Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида истиқлол йилларида халқимиз эришган кўп қўшма муваффақиятлар қаторида ташқи сиёсат масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, «ички ва ташқи хавфсизликни таъминлаш тизимининг парчаланиши натижасида жаҳонда ҳуқуқий бўшлиқ вужудга келгани, миллатлар ва динлараро, ҳудудий ва турли гуруҳлар, уруғ-аймоқлар ўртасидаги зиддиятларнинг авж олиб

кетishi хавфи, радикал кайфиятларнинг айниқса ёшлар ўртасида кучайиши гоят жиддий хатарга айланган эди» (И.Каримов). Мамлакат хавфсизлиги масаласи шу қадар кескин бўлиб турган ана шундай қалтис вазиятда мустақил давлатнинг ташқи сиёсатини шакллантириш нечоғли мураккаб иш бўлганини таъкидлаш лозим.

Аслида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини йўқдан бор қилиш керак эди. Қайси мамлакат билан қандай муносабат ўрнатилди, қай даражада сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик қарор топтирилди, долзарб халқаро муаммоларга қандай муносабат билдирилди? Шулар каби кўп қўшма ўта мураккаб саволларга тезкорлик билан энг мақбул жавобларни топиш зарур эди.

Буларнинг барчаси вазифанинг бир қисми эди, холос. Яна бир гоят муҳим вазифа ҳам бор эдики, бу — бир томондан, мамлакатимизни ўз йўригига солимоқчи бўлган «хайрихо» ва «рахнамо»ларнинг «доно маслаҳатлари» ва «таъсиялар»ига, иккинчи томондан, кун сайин кескинлашаётган таҳдидларга — экстремизм ва терроризмга жавоб топишни тақозо қиларди.

Демак, пухта ўйлаб, узоқни кўзлаб, миллий манфаатларга зиён етказмасдан, хавфсизлик масалаларини бир зум

этибордан четда қолдирмасдан иш тутиш талаб қилинади.

Шу боис қисқа фурсатда ташқи сиёсат ва ташқи савдо соҳасида иш юритадиган муассасалар — Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар кўмитаси (ҳозир — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги), Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил этилди. Давлатимиз раҳбари томонидан ташқи сиёсатнинг, кенг қамровдаги халқаро муносабатлар тизимига интеграллаштириш устувор йўналишлари белгиланиб, кўп қўшма давлатлар билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди, сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик имкониятлари ўрганила бошланди.

Албатта, дипломатик кадрлар танқислиги яққол сезиларди. Зеро, шўро даврида юртимизда дипломатия тушунчаси кўпчилик учун нотаниш эди. «Болам дипломат бўлади», деган ота-онани учратиш қийин эди. Дипломатикни биров хатто орзу ҳам қила олмасди. Шунинг учун ҳам жуда қисқа вақт ичида «дипломатик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими яратилди». Президентимиз Фармони билан 1992 йили Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил этилди. Ҳозир ушбу таълим даргоҳининг ҳузурида дипломатик академик лицей, гимназия ва кўп қўшма бошқа марказ ва тузилмалар фаолияти йўлга қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги Хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида бўлиб ўтган давра суҳбатида Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» мавзусидаги маърузасида белгиланган вазифаларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ташкил этилган Кутқарувчиларнинг республика очик чемпионати якунига етди. Мусобақада мазкур вазирлик тизимидаги бошқармалар вакиллари иборат жаъми 18 жамоа иштирок этди.

● «Йил аёли» кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтди. Қибрай туманидаги вилот болалар уйининг бош шифокори Гулнора Тўхтазарова танлов голиби деб эълон қилинди.

● Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида «Сервис ва туризм: бошқариш ва ривожлантириш муаммолари» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда республикамиз ва чет эл олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари, бир қатор туристик фирмаларнинг вакиллари иштирок этдилар.

● Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонасининг «Нефтчилар саройи» ҳовлисида техника ижодиёти фестивали ўтказилди.

● Қарши туманидаги Ҳиллол қишлоғида ишга туширилган янги болалар мажмуи «Чемпион» деб номланди. Мажмуанинг қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун «Ўқтамбанк» хусусий очик акциядорлик тижорат банки маблағ ажратди.

● Марғилон шаҳридаги тарих музейи биноси мукамал таъмирланиб, янгитдан жиҳозланди. Уни таъмирлашда 3-қурилиш-монтаж бошқармаси, «Водийхамкорфайз» хусусий қурилиш фирмаси фаолият кўрсатишди. Экспозицияни жиҳозлаш ишларини эса «Халқаро маданият кўмаклари» МЧЖ амалга оширди.

● Қашқадарё вилояти Яқкабоғ туманида истиқомат қиладиган бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийлари мамлакатимиз пойтахтига икки кунлик сафар уюштиришди. Улар Мустақиллик майдонида жойлашган Мустақиллик монументи ҳамда «Мотамсаро она» ҳайкали пойга гулчамбарлар кўйишди.

● Сўх туманида бир йўла учта замонавий қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсата бошлади. Энг сўнги андозадаги даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган ушбу сзломатлик масканлари хизматидан Сариканда, Фазна, Димурсад қишлоқлари аҳолиси баҳраманд бўлмоқда.

ЖАҲОНДА

● Покистонда рўй берган кучли портлаш оқибатида 20 дан зиёд киши ҳаётдан кўз юмди, 50 та одам жароҳатланди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Полициячиларнинг сўзларига кўра портлаш Тарбела шаҳарчасида юз берган бўлиб унинг ортида қандай қучлар тургани ҳозирча номаълум.

● Нью-Йорк хом ашё биржасида бир баррель нефть баҳоси 80,09 АҚШ долларига тенглашди. Шу тариқа «қора олтин» нархи 2006 йилнинг 14 июлида ўрнатилган рекорд кўрсаткичи (78,40) доллардан ошиб кетди. Мутахассисларнинг таъкидлашча, бунинг асосий сабаби мамлакат стратегик нефть захирасининг 7,1 миллион баррелга камайганидир.

● Японияда юз ёшни қаршилаганлар сони 30 мингтадан ошди. Мамлакат соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги маълумотига қараганда 1963 йилги ҳисобда юздан ошганлар атиги 150 кишини ташкил қилган экан.

● Ўз ишини бошлаган БМТ Бош ассамблеясининг навбатдаги 62-сессиясида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, терроризмга қарши курашиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва атроф-муҳит муҳофазаси, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга оид 160 дан ортик масалалар кўриб чиқилиши режалаштирилган.

● Америка Сенати Жорж Буш маъмуриятдан Конгрессга 2008 йил 30 ноябрга қадар АҚШга қарши ядро қуроли қўлланган ҳолатда мамлакатнинг фуқаролик ҳамда ҳарбий инфратизими ядро портлаши электромагнит импульсидан қай даражада таъминланганлиги ҳақидаги маълумотларни тақдим этишни талаб қилди.


● «Voikswagen» раҳбарияти 2010 йил бошидан компания супертежамкор автомобилни тақдим этиш ҳақида маълум қилди. Ишлаб чиқарувчиларнинг сўзларига қараганда, янги машина юз километрлик йўл учун бир литрдан камроқ ёнилги сарфлайди.

● Россияда донорлик қонини барча маълум вируслардан тозалаш имконини берувчи технология ишлаб чиқилди. Гематологик илмий марказ директори, академик Андрей Воробьевнинг маълум қилишича, айни пайтда мазкур технологияни ҳаётга татбиқ этишга киришилган.

● Фред Кавли жамғармаси Норвегия Фанлар академияси билан ҳамкорликда учта янги илмий мукофот таъсис этди. Эндиликда ҳар уч йилда астрономия, нанотехнология ва неврология соҳасида эришган муваффақиятлари учун олимлар 1 миллион доллардан мукофот олади.

2007 — Ижтимоий ҳимоя йили

АЖОЙИБ СОВҒА



КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ ЯКУНИ ВА УЧИНЧИ БОСҚИЧ БОШЛАНГИЧ ДАВРИДА МОДДИЙ-ТЕХНИК ИМКОНЯТЛАР ЯНАДА ОШМОҚДА, ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ БИНОЛАРИ БУНЁД ЭТИЛИ ҚАЙТА ҚУРЛИБ ВА ТАЪМИРЛАНИБ, ЎҚУВ ЖИХӖЗЛИГИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. 2004-2009 ЙИЛЛАРДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ ҲАМ УШБУ ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРМОҚДА.

Юнусобод тумани Халқ таълими бўлими тасарруфидоги 87- махсус ёрдамчи мактаб ҳам ана шу дастур асосида, жорий йилда тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди. Таъмирлаш ишларида мактаб педагог ходимлари ҳам қурувчилар билан бир қаторда жонбозлик кўрсатдилар.

Яқинда эса мазкур мактабда яна бир қувончли тантана ўқувчилар ва ўқувчиларни ҳам бирдай хушнуд этди. Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан давлатимиз томонидан мактабга «Отоуол» микроавтобуси совға қилинди.

— Мактабимизга ушбу микроавтобуснинг совға қилиниши, — дейди мактаб директори Г.Азимова — жамоамиз учун бирдай қувончли воқеа бўлди. Бундан барчамиз беҳад хурсандмиз.

Бугунги кунда мактабимизда 297 нафар ўқувчилар таълим олиб, уларга 59 нафар ўқитувчи сабоқ бермоқда. Шундай жонқуяр ўқитувчилардан М.Хайруллаева, П.Файзуллаева, С. Марасуллов, И.Абдурахимов, Д.Мираҳимов, Р.Набиева, Э.Юсупова Ф.Аҳмеджонова, Н.Зокировлар ўқувчиларнинг илми ва иқтидорли бўлиб камол топишларида сидқидилдан самарали меҳнат қилмоқдалар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: 87-махсус ёрдамчи мактабга «Отоуол» микроавтобусини топшириш жараёнидан лавҳалар.

Козим Ўлмасов олган суратлар.



Кўргазмалар

ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА

КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗКЎРГАЗМАСАВДО» МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАЛАР МАЖМУАСИДА «ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ — INFOSOMEXPO UZBEKISTAN—2007» 8-ЎЗБЕК ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ.

Ушбу муҳим тадбирнинг ташкилотчилари «TE Uzbekistan ва Буюк Британиянинг «I.T.E. ESC Ltd» халқаро кўргазмалар компанияларидир. Ушбу кўргазма ахборот технологиялари бўйича фақатгина мамлакатимиздагина эмас, балки дунёда ҳам нуфузли анжуманлардан саналиб, ўтган 7 йил давомида уларда жондорнинг 25 мамлакатидан 450 дан зиёд компания ва фирмалар иштирок этишган, 45



миндан зиёд ташриф буюрувчилар соҳа янгиликлари билан танишишга муяссар бўлишган. Ўтган йил якунига қўра ушбу кўргазманинг самараси 92 фоизни ташкил этганини таъкидлаш лозим.

Кўргазмада телекоммуникация соҳасида юксак ютуқларга эришадиган Япония, Хитой, Италия, Венгрия, Россия, Туркия, Қозоғистон ва юртимизнинг етакчи компаниялари иштирок этиб, ахборот технологиялари бозоридоги энг сўнгги изланиш ва кашфиётлар, янгилик ва ютуқлар намойиш этилмоқда.

Айтиш лозимки, кўргазманинг ташкил этилиши мамлакатимиз ва хорижий ахборот технологиялари компаниялари учун ўзаро амалий алоқаларни янада кенгайтириш, тажриба алмашиш, фойдаланиш шартномаларини имзолашда катта аҳамиятга эгадир.

— Биз юксак технологияга асосланган сифатли маҳсулотларимизни нафақат ички, балки хориж бозоридоги харидорларга ҳам етказиб бермоқдамиз, — дейди «Ўзал-технасофт» ассоциацияси бошқармаси бошлиғи Виктор Покровский. — Шу боис ҳам ушбу кўргазма бизга янги ахборотлар билан танишиш, фойдаланиш ва муҳим шартномалар тузишда катта аҳамиятга эгадир. Биз ушбу имкониятдан албатта унумли фойдаланамиз.

Кўргазмага ташриф буюрганлар «Симли телекоммуникация технологиялари», «Симсиз телекоммуникация технологиялари», «Ахборот технологиялари ва тизимлари», «Телерадиоэшиттиришлар», «Банк тизимлари», «Пластик ва электрон карталар» сингари бўлимларни қизиқиш билан томоша қилишмоқда. Шунингдек, кўргазма доирасида очилган «Телевидение ва радиоэшиттиришлар» номли янги экспозиция кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда.

Муҳаммадрасул АГЗАМОВ СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар

ХАСТА ДИПЛАРГА МАЛҲАМ

ЮРТИМИЗДА АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗАГА МУҲОҒА ҚАТЛАМИНИ ДОИМИЙ СУРЪАТДА РАҒБАТЛАНТИРИБ БОРИШ, ЖИСМОНИЙ ИМКОНЯТЛАРИ ЧЕКЛАНГАН ФУҚАРОЛАРНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ КЕЛИНМОҚДА.

Кўни кеча шаҳримизнинг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган тадбир айна шу жиҳати билан эътиборлидир.

Тошкент шаҳар ижтимоий ўзаро ёрдам «Меҳрибонлик» ногиронлар жамияти томонидан ташкил этилган кечада давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, 700 нафар ташкилот аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Шу ўринда мазкур ташкилот — «Меҳрибонлик» ногиронлар жамияти ҳақида тўхталиб бўлсак, у нодавлат ношароат ҳисобланади, жисмоний имкониятлари чекланган, кўп болали, кам таъминланган оила аъзолари, болаликдан ногирон шахсларни ижтимоий ҳимоялаш ишлари билан шуғулланиди. Ўтган давр мобайнидаги амалга оширилган ишларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, 7 нафар кишига аравача, 2 нафар кишининг хонадонига телефон тармоғини ўрнатиш борасида амалий ёрдамлар кўрсатилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бундан ташқари Яқасарой туманидаги 35 та хонадонга озик-овқат маҳсулотлари, Сергели туманидаги 100 нафар, Мирзо Улуғбек туманидаги 50 нафардан зиёд кишига дори-дармон тарқатилди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган «Меҳрибонлик» ногиронлар жамияти раиси Ҳабибулла Жалилов, жамиятнинг туман бўлиmlари раислари Клим Курмаев, Раъно Икромова, Аҳтам Алимов, Людмила Тельнова, Зулфия Ёқубова ва Усмон Содиқовлар мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифасига мансуб аҳолини қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳақида тўхталиб ўтишди.

— Бу тадбир бизнинг боғимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинади, — дейди Ф.Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи бадий раҳбари Мирзааҳмад Содиқов биз билан сўхбатда. — Очиғини айтганда, боғимизнинг сўлим гўшаларида яйраб хордиқ чиқараётган, ўзига тенгдош авлод вакиллари билан яйраб сўхбат кураётган жисмоний имкониятлари чекланган кишиларни кўрганда дил ярайди. Озми-кўпми шу азиз биродарларимизнинг кўнглига йўл топа олаётган бўлсак, ўзимизни бахтиёр ҳис этган бўлардик.

Тадбирга фойз киритган «Оперетта» рус мусиқали театри, «Севинч», «Улуғбек юлдузлари» дасталарининг чиқишлари йиғилганларда илқ таасирот қолдирди.

Хумоюн АЛИЕВ

Тадбирлар

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ ЯКУНЛАНДИ

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА МИЛЛИЙ КИНО САНОАТИ ВА УНИНГ ТАРАҚҚИЙТИГА КЕНГ АҲАМИЯТ БЕРИЛМОҚДА.

Айниқса, қўнида кенг тараққий этиб бораётган ўзбек спорт истиқболларининг кино ва телевидение экранларида омалашуви муҳим аҳамиятга молик масалалардан биридир.

Шу маънода «Спорт кино ва телевидениеда» мавзусида ўтказилиб келинаётган халқаро фестивалда бир қанча ҳужжатли фильмлар халқаро миксдодаги мукофотларга сазовор бўлди. Бу йилги Республика киночилар уйида икки кун давомида ўтказилган II Тошкент «Спорт кино ва телевидениеда» деб номланган халқаро фестиваль Халқаро олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, бокс, футбол федерациялари, «LG электроник» компанияси ва «Алгоритм» очик акциядорлик жамияти ўзаро ҳамкорлик қилишди. Унда соҳа мутахассислари, таниқли спортчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Фестиваль давомида 23 та спорт соҳасига дахлдор ҳужжатли фильмлар намойиш этилди. Уларни холис баҳолаш учун республика қилчбозлик федерацияси президенти Собиржон Рўзиёв, «Ўзбекино» миллий агентлиги раисининг ўринбосари Жаҳонгир Қосимов, Олимпия ўйинлари чемпиони Андрей Абдувалиев, киношунсо Сабоҳат Ҳайитматова, Ўзбекистон миллий олимпия қўмитасининг маслаҳатчиси Роман Иқцов, журналист Темур Ниёзовлардан иборат ҳаткамлар ҳайъати аъзолари тақлиф этилди.

Тадбир якунида мутахассислар томонидан режиссёр А.Ақбархўжаевнинг «Универсиада—2007», режиссёр Э.Мирзаевнинг «Руслан Чагаев рингда», режиссёр Ё.Мирзаевнинг «Тўмарис», режиссёр К.Каримовнинг «Кўпқари» фильмлари турли йўналишдаги номинация голиби сифатида махсус совғаларга сазовор бўлди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

хассислари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Фуқаро муҳофазаси хизматлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Соҳа мутахассисларини семинар ишига кенг жалб этишдан асосий кўзланган мақсад Тошкент шаҳар ҳудудида содир бўлиши мумкин бўлган кучли зилзила оқибатларини бартараф этиш, Фуқаро муҳофазаси куч ва воситаларининг тайёргарлигини ошириш, иқтисодий объектларни бир меъёрга фаолият кўрсатишни, аҳолини хавфсизлигини таъминлашда олиб бориладиган чора-тадбирларни биргаликда муҳокама этиш ва самарали йўллارни ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Семинар дастуридан ўрин олган асосий маърузаларда хусусан, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи полковник Э.Икромовнинг «Тошкент шаҳар аҳолиси ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги маърузасида Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш

Анжуманлар ТАЙЁРГАРЛИКНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНДИ ТАБИЙ ВА ТЕХНОГЕН ОФАТЛАР КЕЛТИРАДИГАН КЎПЛАБ ТАЛАФОТЛАР ВА ҚЎРБОНЛАР, УЛАРНИНГ ХАВФ-ХАТАРИНИ ОЛДИНДАН БАҲОЛАШ ВА АСОРАТИНИ КАМАЙТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН БАРЧА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ҲАМДА ТАШКИЛИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ АСОСИДА ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ ВА СИЁСИЙ МАНФААТЛАР ЁТАДИ.

тўғрисида»ги қўнунинг 14-моддаси «Фавқулодда вазиятлар мониторинги ва уларни олдиндан баҳорат қилиш табиий офатларни, техноген авариялар ва ҳалокатларни текириш ва назорат қилиш махсус хизматлари томонидан амалга оширилади» бандининг ўзига хос босқич ҳисобланишига аҳамият қаратилди.

Академик Т.Рашидов эса ўз маърузасида зилзила оқибатларини баҳолаш ва зарарини камайитириш муаммоларига эътиборни қаратиб, республикамизда сейсмик хавфини камайитириш, зарарини баҳолаш усулларини янада такомиллаштиришни тақозо этаётганлиги хусусан, сейсмик хавфини олдиндан ҳисоблаш ва режалаштиришнинг ўта муҳимлигини эътиборга олиб, бир қатор мамлакатлар — Арманистон, Қозоғистон, Хитой, Колумбия, Россия, Туркия, АКШ, Ўзбекистон, Япония ва бошқа давлатлар фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш хизматлари томонидан сейсмик хавфли ҳудудлардаги биноларнинг заифлигини, кучли зилзила рўй берганда келтириши мумкин бўлган зарарини баҳолаш усулибегитини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб бориладигани ва келажакда тегишли хизматларга зилзилдан кўриладиган жисмоний, иқтисодий, ижтимоий зарарини баҳолаш имкониятини очиб беришни таъкидлади.

Илмий-амалий семинар якунида қўрилган мавзу бўйича муҳокамалар ўтказилиб, семинар қарори ва тавсиялар қабул қилинди.

Қ.ТУРСУНОВ, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйич сайлов округлари Марказий сайлов комиссияси томонидан (сарақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шарида ташкил этилади. Округ сайлов комиссиялари 14 октябрда, участка сайлов комиссиялари эса 13 ноябрда кузатилади. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қўнуннинг 24-моддасига биноан сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Сиёсий партия сайлов импаниси бошланганлиги эълон қилинган кундан камидан оли ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тадирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин. Қўнунда белгиланганидек, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш учун қўнунда уч нафар сайловчидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Президентликка номзодлар ўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари йиғилиши томонидан амалга оширилади. Қўнуннинг юқорида қайд этилган моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга 65 кун қолганида бошланади ва 45 кун қолганида тугайди. Сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссиясидан рўйхатга олинган кундан эътиборан, яъни 18 ноябрдан бошланади.

Бунда, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қўнуннинг 28-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларига сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун оммавий ахборот воситаларида фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилди. Бундан ташқари, Қўнунин ушбу моддасида кўрсатилганидек, Президентликка номзодларга сайловчилар билан йиғилишлар ҳамда улар учун қўлай ўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилди. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамд жой ҳақида сайловчиларга олдиндан хабар қилинади.

Матбуот анжумани қатнашчиларига «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қўнуннинг 5-моддасига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, Президентликка номзодларни ўрсатиш бўйича йиғилишларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов кўни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Президентликка ўз номзодини кўрсатга сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳлардан кузатишчилик, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, юшқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатишчилик қатнашиш ҳуқуқига эга эканлиги маълум қилинди.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси қўнунчиларни рўйхатга олишни таъминлайди ва уларнинг фаияти учун зарур шароит яратди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, Марказий айлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига раисини, адолатли ва демократик сайловнинг қўнун доирасида ошқор, ошқора ва холисона ўтказилишини, фуқароларнинг Конституцияда белгиланган сайлаш ва сайлашни ҳуқуқларини малга оширишлари учун барча зарур шароит яратишини таъминлайди. Сайлов комиссиялари Президент сайлови пухта тайёргарлик кўриш ва уни очик ҳамда ошқора ўтказилишини амалга оширади.

Матбуот конференциясида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизимрган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

ИЗЧИЛИК ВА ҚАТЪИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, қўллаб олий ўқув юрталарида халқаро мюсабатлар кафедралари очилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалардан тадқиқотлар институти, Сиёсий тадқиқотлар маркази фаолият кўрсатмоқда. Хуллас, бугун Ўзбекистоннинг ўз дипломатия мактаб бор, дейиш учун барча асослар етарли. Ёшларда дипломатика қизиқиш шаклланиб, иштиёқ кучайди ва энг муҳими, ўз зусига етишиш имкониятлари пайдо бўлди. Бугун дунёнинг гўллаб давлатларида — Ўзбекистоннинг элчиликларида, Ташкилотиодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамд Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг вақитхоналарида излаб малакали кадрларимиз фаолият кўрсатмоқда. Хорижда мамлакатимизнинг 48 дипломатик ваколатхона бор.

Бу хусусда гап кетар экан, дипломатик сервис хизми ҳам Ўзбекистон учун мутлақ янги институт бўлганини таъкидлаш жоиз.

Мустақилликка қадрар Ўзбекистонда бирорта ҳам хижий давлат элчихонаси йўқ эди. Биз хориқлик элчилардан (хўбқирон бобомизнинг хузуридаги Испания қиролидан вакилувиб келган Клавионни билар эдик, холос... Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 86 элчихона ва савдо ваколатхонаси аккредитация қилинган.

Бугун дипломатларимиз Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатига онд вазифаларни муваффақият билан бажармоқда. Бу градаги энг сўнгги йирик натижалардан бири Президентимиз Ислол Каримов томонидан илгари сурилган Марказий эиёда ядро қуролдан холи ҳудуд барпо этиш ташаббусининг илғада ўз ифодасини толгандир. 2006 йил 8 сентябрда Септаластин шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ташқи ишр ва зирлари шу ҳақдаги шартномага имзо кечдилар. Албат, бундай стратегик қилишувлар давлат раҳбарларининг учрауварлида кўриб чиқилади, лекин қилишувининг амалий жиҳадларини дипломатлар бажаради.

Гап ўз-ўзиндан халқаро журналистика соҳасига келишмоқда. Мустақилликка эришганимиздан кейин қатор амлакатларнинг оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонни муҳбирлик пунктларини очди. Олис-олис мамлакатлардағодамлар текзор янгилик ва ахборотлар орқали юртимизда ётган йирик тадбирлардан, улкан ўзгаришлардан воқиф бўлган. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг ўзида миллий журналистика туб ўзгаришларни бошдан кечирди. Ўзбекистон Давлажаҳон тиллари университети, Гап иқтисодий ва дипломатия университетиде халқаро журналистлар тайёрлаш йўлга қўйди. Бугунги Ўзбек журналистлари замонавий ахборот технологияларидан эркин фойдаланган ҳолда хориждан туриб, ёма ва мултимедиа янгиликларини текзорлик билан узатади, Ўзбекистон матбуоти ва телерадиоси бугун халқимизни дунда оз бераётган энг сўнгги воқеалардан, долзарб янгиликлардан хабардор этмоқда. Илгари саноклигига бўлган шарҳлов, таҳлилий ва сиёсатшуносларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Қисқаси, халқаро журналистика ҳам туба туба шаклланди.

Мамлакатимизнинг қўлай геосиёсий ўрни, унинг бринчи навбатда ўз миллий манфаатларини инобатга олган ҳолда олиб бораётган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, мустқил ва изчил ташқи сиёсати давлатимизнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътирф этилиши унинг халқаро майдонда обр-эътибори ортиб боришини таъминлади.

Ҳа, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг нуфузи тобора ортмоқда. Бунда давлатимизнинг мустқил, оқил ва одишати сиёсати, ЕМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмаларида фаол қатнашаётгани муҳим ўрин тугади. Айна пайтда юртимиздаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотлар, боча соҳаларда юз бераётган туб янгиликлар, улкан бунёдкорлик ишлари ҳам хорижда Ўзбекистонга қизиқиш ва эътиборни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон сиёсатининг ўзига хослиги ундаги изчилик ва қатъиятдир. Давлатимиз ўзга давлатга ёки давлатлар гуруҳига қарши қаратилган блокларга қўйилмайди. Қатъият боисид эса, Президентимиз Ислол Каримовнинг бир неча иллар аввал айтган гапини эслаш кирфоя: «Ўзбекистон шамолғ оқим билан силжиб юрадиган айбегор эмас.» Бир сўз билан йитганда, давлатимиз раҳбари юрифтаётган ташқи сиёсат заридда ҳаммиса бир мақсад мужассам — Ўзбекистон манфаатига яна бир бор Ўзбекистон манфаати. Буни Президентимиз ўзгаришларда яна бир бор алоҳида таъкидлади: «Бизнинг бу сўдади барча қадам ва ҳаракатларимиз фақат ана шу эзгу мақсадни амалга оширишга қаратилган».

Анвар БЎОЕВ, 94 шаҳр ҳўжачиси

Инсон ва қонун

ЮРТИМИЗ ЎЗ ИСТИҚЛОЛИНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРДАЭҚ АСОСИЙ ҚОМУСИМИЗ — КОНСТИТУЦИАМИЗГА, МИЛЛИЙ ҚОНУНЛАРИМИЗГА, ДАВЛАТ ТИЛИМИЗГА, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ ТИКЛАНИШИГА ЭГА БЎЛДИК. ЭНГ МУХИМИ ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН МАМЛАКАТИМИЗНИ РИВОЖЛАТИРИШНИНГ БЕШ ТАМОЙИЛДАН БИРИ БЎЛМИШ КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛИШИ МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҚАМЛАШ ЙЎЛИДА ҚЎЙИЛГАН МУХИМ ҚАДАМЛАРДАН БИРИ БЎЛДИ.

Мана 16 йилдики мамлакатимизда бошқича-бошқича амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида эришаётган ютуқларимизнинг тахминга лойиқлигини нафақат юртимиз кенг жамоатчилиги, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг давлат арбоблари, таниқли олимлар ва экспертлари ҳам тан олишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг асосий мақсади бўлган, инсон ҳаёти учун муҳим соҳалар — ҳаёт даражасини кўтариш, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, фуқароларнинг моддий фаровонлигини муттасил ошириб бориш, аҳолининг аниқ ва ишончли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масалалари ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда Юртбошимиз ташаббусларига биноан халқимизнинг ижтимоий муҳофазаси, орзу-интилишлари

ри ҳисобга олиниб, 2007 йил Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинди. Албатта бу борада қабул қилинган давлат Дастури

Фармон ва ижро

МУСТАҚАМ ЗАМИН ЯРАТАДИ

ва режаларнинг бош мақсади аввало халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратишга қаратилди.

Олинган маълумотларга қараганда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида бандликни таъминлаш мақсадида ўтган ярим йиллик натижасига кўра жами 314,8 мингта иш ўринлари ташкил этилди. 13,4 мингта кам таъминланган ва кўп болали оилалар 5,5 миллиард сўмликдан ортиқ қорамолга эга бўлди, 3,4 мингта оилаларга «Бандликка кўмаклашиш жамғармаси» ҳисобидан қиймати 2,9 миллиард сўмлик микрокредит ажратилди, ногиронлар учун 1472 та, жумладан касаначиликни ташкил этиш орқали 1160 та иш ўринлари ташкил этилди, хомийлик ёрдами ҳисобидан 26 минг нафар қаровчисиз фуқаро ва 121 мингта кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан 2007 йил 2 майда қабул қилинган «Ҳомийлик тўғрисида»-ги, аҳоли соғлигини сақлаш ва мустақамлаш мақсадида 2007 йил 3 май куни қабул қилинган «Йод этиш-маслиги касалликларни профилактикаси тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси янги Қонунлари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, 2007 йил 19 мартдаги «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустақамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармон ҳақида алоҳида тўхталиш мумкин. Ушбу Фармон аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, барча ижтимоий муассасалар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни яхшилаш, ногиронлар, қариюрлар ва ёлғиз фуқаролар учун интернат-уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказларининг моддий-техника базасини тубдан мустақамлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбир-

ийл 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони ҳозирги кунда юртимизда жами оилалар сонининг қарийб 40 фоизини ёш оилалар ташкил қилишини эътиборга оладиган бўлсак, нечоғли аҳамиятга эга эканлиги аён бўлади. Ушбу ҳужжатга кўра мамлакатимиздаги ёш оилаларга 50 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Бу минглаб ёш оилалар хонадонига фаровонлик ва файза-барока кириб боради дегани.

Шу йилнинг май-июнь ойларида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз бизнесини ташкил этиш, уй-жой ва истеъмол товарларини харид қилиш учун 14 минг нафардан ортиқ ёшларга 28,5 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Яна йил охиригача 50 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилиши мўлжалланмоқда.

Юқоридики қайд этилган Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки унда нафақат оиланинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун яратилган шарт-шароитлар, унда ёш оилаларнинг даромад солиғи тўлаш билан боғлиқ имтиёзлар ҳам эътиборга олинган. Жумладан, ёш оилаларнинг уй-жой қуриш, харид қилиш, улар бўйича ҳисобланган фойзаларни қоплашга йўналтирилаётган иш ҳақи ва бошқа даромадлари суммасига умуман даромад солиғи солинмайди. Бу эса давлат бюджетидан қўшимча равишда 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратишни талаб қилади. Бунинг ҳисобидан йил давомида яна 100 минг кам таъминланган оилаларга оиллик моддий ёрдам тўлаш мuddати икки баравар: 3 ойдан 6 ойгача узайтирилди.

Шу ўринда имкониятдан фойдаланиб мен ўз касбий йўналишимдан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ёш оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига берилаётган эътибор ва имкониятлар тўғрисида тўхталиб ўтишни истар эдим. Барчамизга маълумки, бугун мамлакатимизда оиланинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами жуда кенг бўлиб, унинг асосида оила, унинг келажагига бўлган ғамхўрлик, эътибор ётади.

Ўқтамхон ҚОДИРОВА,
Тошкент шаҳар «Оила маросимлари маркази» директори



Тинчлик-тотувликнинг сақланишида, турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда ички ишлар тизими ходимларининг ҳиссаси каттадир. Айниқса, маҳаллаларда иш олиб бораётган профилактика нозирлари бу борада ибратли ишларни амалга оширишмоқда.

СУРАТДА: Сергели туманидаги «Нурфашон» маҳалласида жойлашган 60-миллиция таянч пункти профилактика катта инспектори, майор Рашид Тилеубаев маҳалла фаоллари билан келгусидаги режалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Хусанбой Аввалов олган сурат

Тадбирлар

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК — КОМИЛЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

СЕРГЕЛИ ТУМАНИ МАҲАЛЛАЛАРИДА ЁШЛАРИНГ ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ, СИЁСИ ОНГ ВА МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШЛАРИНИ ЎСТИРИШ, ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА БЎШ ВАҚТЛАРИНИ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА СИЁСИ-ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК ТАДБИРЛАРИ ЎТҚАЗИЛДИ.

Маҳалла ёшлари ўрта-сида ўқув машғулоти давомида «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»-ги Конвенциянинг яратилиш тарихи, унинг тамойиллари, моддалари, мақсад, вазибалари, давлатимиз рамзларининг қабул қилиниш саналари ҳамда тасвирий маъноси, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ҳуқуқий маданият ҳақида маълумот бериб борилди. Суҳбатлар давомида

Ватанимизда мустақиллик туфайли турли соҳаларда эришилаётган ютуқлар, ёшларнинг соғлом ва баркамол ўсишлари учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида алоҳида сўз юритилди. Лойиҳа иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоблар олдилар.

Машғулотлар савол-жавоб тарзида ўтказилиб, айниқса, «Оқибат», Ал-Фар-

оний, Ш.Бурхонов, «Тинчлик», «Ёшлик» каби маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар унда фаол иштирок этилди.

Уйлаймизки, ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш мақсадида ўтказилган ушбу тадбир қолда катта таассурот қолдирди.

Мирзо Муҳаммад АЛИШЕР,
«Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзоси

АЁЛ МАНФААТИ — ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРДА

КЎҲНА ШАРҚДА АЁЛ ДОИМО ЭЪЗОЗУ ЭЪТИБОРДА БЎЛИБ, УНИНГ ОНАЛИК МАРТАБАСИ, МАНФААТИ, ШАЪНИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВАТАНИНГ ҲИМОЯЛАШ БИЛАН БАРОБАР САНАЛГАН. ИСЛОМ ДИНИ ҲАМ АЁЛЛАРИМИЗ ШАЪНИНИ «ЖАННАТ ОНАЛАР ОЁГИ ОСТИДАДИР» ДЕЯ УЛУГЛАГАН.

Мустақилликка эришилган давлатимиз томонидан аёлларнинг жамиятдаги ўрни, иззату ҳурматини тиклаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди ва бу ҳаракатлар янада кучайтирилди. Хотин-қизлар, оила, ёшлар тарбияси эндиликда давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди. Республика раҳбарияти аёлларнинг сиёсий-иқтисодий ҳаётдаги ролини ошириш, турмуш шароитини яхшилаш, ижтимоий ҳимоялаш борасида барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Хотин-қизлар иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, қиллоқ ҳўжалиги, халқ ҳўжалиги, илм-фан, маданият ва маърифат тизимининг жамики босқичларида ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан иштирақ этаётганлиги қувонарлидир.

Ўтган йиллар давомида хотин-қизлар масалаларига доир Президентимиз Фармонлари улар ҳаётида туб бурилиш ясагани сир эмас. Ушбу тарихий ҳужжатлар аёллар муаммосининг ҳал қилинишига катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. Эндиликда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофиза қилиш қотибдилари тузилдики, шу асосда хотин-қизлар оила муаммолари бўйича қабул қилинган давлат ҳужжатлари ва ишлаб чиқилган дастурларни жамиятнинг барча бўғинлари ва погоналарида изчил амалга ошириш имконини яратди.

Дарҳақиқат, оила — муқаддас даргоҳ. Ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи шавомилда ўсиб-ўлғади, камол топади. Оилада урф-одатларимиз, қадриятларимиз шаклланиб эъзозланади. Оила тинч бўлса — юрт тинч, осойишта. Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони айнан келажак авлод давомчилари бўлган ёшлар ҳаётига ва оила аталмиш қўллуғ даргоҳга берилган эътиборнинг яққол далилидир. Фармонда кўрсатилган имтиёзлар ва чора-тадбирлар ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга, оила деб аталмиш муқаддас ватанга, мустақил ҳаётга қадам қўйишларида катта кўмак беради.

Мазкур Фармон нафақат ёш оилаларни, балки барча оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган яна бир хайрли қадам бўлди.

Шунингдек, ҳар бир оиланда, жамиятда бўладиган муаммоларнинг ечимини топишда ҳам муҳим дастуриламал бўлиши, шубҳасиз.

Маълумки, аҳолининг яшаш даражаси кўп жиҳатдан демографик вазият хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Туғилиш кўрсаткичининг юқорилаб кетиши аҳолининг ишга яроқли бўлган қисмида иқтисодий таъини келтириб чиқаради. Оилани иқтисодий таъминлаш эса оиланинг ёлғиз ишловчиси учун қийинчилик туғдиради. Аҳолини яхшилаш учун аёл ҳам ишчиси, рўзгорга тегишли ҳиссасини қўшиши лозим бўлади. Шу боис ҳам тадбиркорликни ривожлантириш, аёлларни иш билан тўла таъминлаш, улар учун қўлай бўлган касаначилик фаолиятини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Шунингдек, Республика Меҳнат кодексига ишлаб турган аёллар учун жуда катта имтиёзлар бори. Яъни, бола парварлиши учун берилиши керак бўлган таътил мuddати узайтирилган. Барча соҳаларда иш вақтидан ташқари тунги ишларга хотин-қизларни жалб этиш

таъкидланади. 14 ёшга бўлган ёш боласи бор аёлларга қўшимча таътил жорий этилди. Оғир ва зарарли меҳнат турлари билан банд аёлларга қисқартирилган меҳнат ҳафта-си, ёшга доир пенсияга мuddатидан аввал чиқиш таъминланди.

Хотин-қизларга уларнинг истакларига биноан 54 ёшдан ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилди. 3 ёшгача боласи бўлган аёл бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланганлиги муассаса ва ташкилотларда ишлаётган аёллар учун иш ҳақининг тўлиқ миқдори сақланган ҳолда иш вақтининг ҳафта-сига 35 соатдан ошмайдиган қисқартирилган мuddати белгиланган. Ўта оғир ва зарарли меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш ҳукумат қарори билан тасдиқланди. Ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик уйлари»-даги тарбиячилар, шунингдек кутубхоначи сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдиндан мазкур мутахассисларга бўйича камидан 10 йил стажга эга бўлган аёллар ўз қарилма нафақаларини ололмақдир.

Бугунги кунда аёллар манфаати йўлида улкан ишлар қилинмоқдаки, буларнинг барчаси демократик жамиятимизда аёллар мавқени янада мустақамлашга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, аёл манфаатлари Ватан манфаатига тенгдир. Шундай экан, миллат оналарини доимо асраб-авайлайлик.

Элеонора ЗАБИРОВА,
Алла ИБРАГИМОВА,
Яккасарой туман 1-сонли давлат идораси нотариуслари

Сўранг, жавоб берамиз

Ҳада шартномаси қандай тартибда амалга оширилади. Унинг қонуний жиҳатлари хусусида маълумот берсангиз?
С.Абдужабборов,
М.Улуабек тумани

Ушбу саволга ҳуқуқшунос Мехринос Ата-Мирзаева жавоб беради.

Ҳада шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳада қилувчи) бошқа тараф (ҳада олувчи)га ашёни текинга қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади. Шунингдек, унга, ўзига ёки унинг шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаб)ни беради, бериш мажбуриятини олади ёхуд уни ўзи ёки унинг шахс олдидики мулк мажбуриятдан озод қилади ёки озод қилиш мажбуриятини олади. Ашё ёки ҳуқуқ муқобил берилганида ё бўлмаса, муқобил мажбурият мавжуд бўлганда шартнома «ҳада» деб тан олинмайди. Бундай шартномага нисбатан ушбу Кодекс 124-моддасининг иккинчи қисми қоидалари қўлланади.

Бирон-бир ашёни мулк ҳуқуқини текинга беришни ёки бирон-бир шахсни мулк мажбуриятдан озод этишни ваъда қилиш (ҳада

этишни ваъда қилиш) агар ваъда тегишли шаклда берилган бўлса ва келажакда аниқ шахсга ашё ёки мулк ҳуқуқини текинга бериш ёки уни мулк мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, ҳада шартномаси деб тан олинади.

Ашё, мулк ҳуқуқи ёки мулк мажбуриятдан озод қилиш шаклида ҳада нарсагини аниқ кўрсатмасдан ўзининг мол-мулкни ёки мол-мулкнинг бир қисмини ҳада этишни ваъда қилиш ўз-ўзидан ҳақийқ эмас.

Ҳада ҳада олувчига ҳада қилувчининг вафотидан кейин топширишни назарда тутувчи шартнома ўз-ўзидан ҳақийқ эмас. Ҳада олувчи ўзига ҳада топширилгунга қадар истаган вақтида уни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолда ҳада шартномаси бекор қилинган ҳисобланади.

Агар ҳада шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳада яна рад этиш ҳам ёзма шаклда амалга оширилиши керак. Агар ҳада шартномаси рўйхатдан ўтказилган бўлса, ҳада яна қабул қилишни рад этиш ҳам давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Агар ҳада шартномаси ёзма шаклда ту-

зилган бўлса, ҳада қилувчи ҳада олувчидан ҳада яна олишни рад этиши оқибатида етказилган ҳақийқ зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Озғаки тузилган ҳада қилиш шартномаси нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автотранспорт воситаларини ҳада қилиш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Агар шартнома тузилгандан сўнг ҳада қилувчининг моддий аҳоли жиҳидий ёмонлашган бўлса, у келажакда ҳада олувчига ашёни ёки мулк ҳуқуқини бериш ё бўлмаса, уни мулк мажбуриятдан озод этиш, ваъда қилинган шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли.

Ҳада олувчи ҳада қилувчининг, унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаёти ёки соғлигига қарши атайлаб жиноят содир қилган ҳолларда ҳада яна бекор қилишга суд тартибда йўл қўйилади.

Ҳада шартномасини бажаришдан бош тор-

тиш ва ҳада яна бекор қилиш тўғрисидаги қоидалар озғаки тузилган озғаки шартномага нисбатан қўлланилмайди.

Ҳада қилинган ашёдаги камчиликлар туфайли ҳада олувчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар бу камчиликлар ашё ҳада олувчига топширилгунга қадар пайдо бўлган аниқ кўриниб турган камчиликлар жумласига кирмаслиги ва ҳада қилувчи бу ҳада билган бўлса-да, ҳада олувчининг оғохланганлиги исбот қилинган бўлса, ушбу Кодекс 57-бобда назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳада қилувчи томонидан қопланиши лозим.

Агар ҳада шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлса, ҳада шартномасига мувофиқ ҳада ваъда қилинган ҳада олувчининг ҳуқуқлари унинг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) ўтмайди.

Агар ҳада шартномасида бошқа тартиб назарда тутилган бўлса, ҳада шартномасига мувофиқ ҳада беришни ваъда қилган шахсининг мажбуриятлари унинг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) ўтади.

Иқтисодиёт

САНТЕХНИКА БУЮМЛАРИ

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ, АЛБАТТА ХАРИДОРЛАРИНИ ТОПАДИ. АНА ШУНДАЙ МАҲСУЛОТНИ ХАРИДОРГА ЕТКАЗИШ УЧУН ЭСА АСТОЙДИЛ ИЗЛИШНИ ЗАРУР БЎЛАДИ.

«PULS-BAH» Ўзбекистон — Америка қўшаи корхонаси тадбиркорларининг импорт ўрнини босувчи, юқори сифатли рақобатбардор маҳсулотлари ҳам ички бозорда, аллақачон харидорини толган ва қўшни давлатлардан ҳам ушбу товарларга буюртмалар тушмоқда.

Корхоналар асосан сантехника буюмлари тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг ишлаб чиқаришда замонавий техника қуввати, малакали кадрлар гайрати ва энг муҳими сертификатланган материаллардан фойдаланилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, корхонада меҳнат қилаётган кадрлар хорижда ўз малакаларини ошириб келишган. Бугунги кунга келиб улар 30 нафарни ташкил этмоқда.

— Корхонамизда тайёрланаётган сантехника буюмлари, яъни ванна, раковина ва бошқалар экологик тозаллиги ва узок мuddат хизмат қилиши билан ажралиб туради, — дейди қўшаи корхона бош директори Светлана Саркисян. — Ҳозирда маҳсулотларимиз турлари 43 хилдан ортиқни ташкил этиб, шунинг баробарида мохир дизайнерларимиз буюртма асосида ҳар қандай юқори бадиий меъморчилик услубларини қўллаб маҳсулот яратиш қобилиятига эга. Шу боис ҳам корхонамиз ахли ўз маҳсулотлари билан ҳар қандай юқасқ дидли харидорнинг талабини қондира олади. Тадбиркорлар йили пайтада қозогистонлик ҳамкорлар билан ҳам ишламоқда.

Корхонанинг ўз фирма дўконини мавжуд ва уларда харидорлар учун барча қўлайликлар яратилган. Шунингдек, тадбиркорлар маҳсулот турларини кўпайтириш баробарида эски сантехника буюмларини таъмирлашни ҳам йўлга қўйишди.

МАРМАР ПЛИТКАЛАР

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКАЛАР ҚУВВАТИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ҚУРИЛИШ АШЕЛАРИ ЮРТИМИЗДА БУНЁДКОРЛИК ҚЎЛАМИ ОРТИШИДА, КЎРКАМ ИНШООТЛАР ҚАД РОСТАШИДА КАТТА ҲИССА БЎЛМОҚДА.

Пойтахтимиздаги «Инвест-тош» масъулият чекланган жамияти тадбиркорлари ҳам маҳаллий хом ашё — харсангтошлардан мрамар плиткелар тайёрлаб, бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Корхона цехларига Италиядан келтирилган замонавий дастгоҳ ва ускуналар ўрнатилган бўлиб, маҳсулот сифати ва турларини кўпайтиришда уларнинг қувватидан унумли фойдаланилмоқда. Корхонада тайёрланаётган мрамар плиткелар республикамиздаги буюртмачиларга шартноа асосида етказиб берилади. Шунингдек, корхона маҳсулотларига қўшни Қозогистон ва Қирғизистон давлатларидан ҳам харидорлар бор.

Тадбиркорлар келгусида бозор талаблари асосида иш юритиб, янги технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда плиткелар турларини кўпайтиришни, маҳсулот экспортини амалга оширишни режалашмоқда. Бу уларнинг ҳам юртимиз иқтисодиёти ривожига, ҳам бунёдкорликка қўшган муҳим ҳиссаси бўлади.

Жамшид КАМОЛОВ

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРГА ЭЪТИБОР

МАЪЛУМКИ, ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ АРЗОН, ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИНГ МУХИМ ВА АЖРАЛМАС БЎЛАГИ ҲИСОБЛАНАДИ. ШУ БИЛАН БИР ҚАТОРДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ АЛОҲИДА АҲАМИЯТГА МОЛИК.

Кўни кеча Ҳамза туман ҳокимлигида ўтказилган мазкур соҳага доир ўқув семинарида айнаи шу масалалар хусусида сўз борди. Унда савдо-матлубот мутасаддилари, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Ҳамза туман ҳокими ўринбосари Ботир Умаров бу борада эришилаётган ютуқлар, мавжуд муаммолар, истиқбол ҳамкорлик лойиҳалари хусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг «Ўзстандарт» Агентлиги Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдуҳамид Абдуқодиров, мазкур бошқарманинг 1-даражали мутахассиси Марҳаббо Ибодова, Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси бош мутахассиси Ниғора Комилова, Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси раиси вазифини бажарувчиси Баҳодир Абдуқаюмов, ЎзЛДП Ҳамза туман кенгаши раиси Шукрулло Файзуллаев, Ҳамза туман Меҳнат биржаси бошлиғи И. Маҳмадалиев ва бошқаларнинг «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»-ги қонун, амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгаришлар, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб ва статистика тизимига ўтиш давлат дастури тўғрисида»-ги қарори бўйича «Ўзстандарт» Агентлигига маҳсулотларни каталоглаштириш давлат тизимини ташкил этилиши, бизнес вакиллари, ҳокимлик тизимлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг ривожланиши орқали тадбиркорлик субъектлари манфаатини ҳимоя қилиш масалаларига доир фикр-мулоҳазалари тингланди.

Илғилар қатнашчилари ўртага ташланган

03-03 УЎТГАНИБ ДОМО БЎЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб ХИКМАТЛАР

Емак ва ичмак—тириклик емидир. Бахилдан эл безар. Ёмонларга салобатли (одам бўлиш) керак, токи улар кўрксинлар, Яхшиларга эзгу (одам бўлиш) керак, токи улар севсинлар.

Илик сўз, очик юз (бўл), мол ва товар улаш, Эркин, озод кишилар бу уч (нарса атрофи)га тўпланади. Кўзи тўқ киши пора олмайди. Юришиб кетган ишларни пора бузади. Битаётган ишларни пора барбод қилади.

Билимсиз киши ҳамма (иш)га нолайик бўлади. Кимгаки билимдан ҳисса тегмаган экан, (Уни) тирик деса бўлмайди, уни ўлик ҳисобла.

Билим туфайли одам буюклашиб, шуҳрат топади, Кишилар орасидан юқорилашади (ўсади), барча иши унади. Билимсиз киши куруқ савлат ва суратдир, Билимсиз кишининг ўрни кўкдан ҳам баланд.

Зийраклик туфайли ишларда гуноҳларга тойилишининг олди олинади. Ҳамма эзгулик мояси зехндир. Зехнли икки дунёдан ҳам бахраманд бўлади, Яхши (деб) ном олса, зехнли олади.

Зехнли, билимли киши (ҳақиқий) кишидир, Кишиларнинг етуги, халқнинг сарваридир. Ўзини туюлмайдиган киши бошини өйди. Меҳрсиз бекфойда ўғилдан кўра, Содиқ хизматчи(нинг) нафи юқори.

ЎЗБЕКИСТОН ВА АКВИТАНИЯ ОЛИМЛАРИНИНГ КЎШМА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚЛИ РАВИШДА ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНING ҚАДИМИЙ БЕШИКЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ. МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДИДА 8 МИНГДАН Ортиқ НОДИР МАДАНИЙ-МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАР САҚЛаниб ҚОЛГАН.

Уларнинг аксарияти умумжаҳон мероси рўйхатидан ўз ўрнини топган. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакат раҳбарияти ўзбек халқининг бебаҳо маданий ва маънавий-тарихий меросини кўз қорачигидай асраб-авайлаш ва қайта тиклашга, буюк бобоклонларимиз номи билан боғлиқ муқаддас қадимжоларни ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Жорий йилда Аквитания минтақавий кенгаши Амир Темур даврида қурилган меъморий ёдгорликларни ўрганиш ва муҳофаза қилиш борасидаги Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича «ARCHI-MAT» лойиҳасини молялаштириш юзасидан қарор қабул қилди. Франциянинг Бордо университети, Самарқанд Давлат университети ва Шаҳрисабздаги Амир Темур музейи билан ҳамкорликда Ўзбекистон Фанлар академияси амалга оширадиган ушбу лойиҳадан кўзланган мақсад меъморий объектлар емирилишининг олдини олиш ва маданият ёдгорликларининг зарарланиш босқичларини пайсатириш юзасидан Ўзбекистон ва Аквитания ўртасидаги чора-тадбирлар механизмини яратиш билан изоҳланади.


дис ва меъморлардан иборат Аквитания делегацияси Темурийлар даврида бунёд этилган тарихий-меъморий иншоотлар - Шаҳрисабздаги «Оқсарой» обидаси ва Жаҳонгир мақбараси ҳолатини баҳолаш ва тадқиқот олиб бориш мақсадида Ўзбекистонга келган эди. Икки мамлакат мутахассисларининг кўшма ишлари чоғида меъморий ёдгорликларга хавф солувчи қалтисликлар даражаси ўрганилди, уларнинг юзага келиши сабаблари аниқланиб, объектларни таъмирлаш бўйича таъясилар ишлаб чиқилди. Икки мамлакат муҳандис ва меъморлари иштирокида янги технология ишланмаларини қўлланган ҳолда ушбу иншоотларни мустаҳкамлаш ва қайта тиклаш бўйича амалий ишлар жорий йилнинг кузига бошланади.

GERMANYDA MALAKA OSHIRADILAR

ТОШКЕНТА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ВА ГЕРМАНИЯЛИК МЕНЕЖЕРЛАРИНИНГ МАЛАКА ОШИРИШИ ҲАҚИДАГИ ЯГИ ДАСТУР ИМЗОЛАДИ.

Дастур 2009 йилгача мўҳжалланган бўлиб, Ўзбекистон тарафидан республика савдо-саноат палатаси, Германия омонидан иқтисодий ва технологиялар федерал вазирлигининг топшириғига кўра Бонн шаҳридаги «InWEnt GmbH» ташкилоти ҳамкорлики йўлга қўймоқда. Мутахассисларни менежерликнинг замонавий усуллари билан таништириш дастурунинг асосий вазифаси ҳисобланади. Ўтган йили Ўзбекистондаги корхона вакиллари билан ташкил топган йигирма нафар мутахассис Германиядаги фирмалар фаолияти билан танишиб қайтган эди. Сафар натижаси ўлароқ, иккала мамлакат тадбиркорлари ўртасида ҳамкорлик эпокалари мустаҳкамланиб бормоқда.

Спорт янгиликлари



ФАХРЛАНСАК АРЗИЙДИ ШАҲРИМИЗДА УЧ ЙИЛДАН БЕРИ ФАОЛИЯТ ЮРТАЁТГАН «FORUM JUNIOR SPORT» КЛУБИНИ У-ШУ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ КАТТА МУРАББИЙСИ ТОҲИР ЭРГАШЕВ БОШҚАРМОҚДА.

— Келажакимиз ворислари — ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етуқ шахс сифатида камол топишларида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти беқиёс, — дейди биз билан суҳбатда Тоҳир Эргашев, — айниқса, шарқ яққа кураш турларидан бўлмиш у-шу фарзандларимизнинг кучли, иродаси мустаҳкам бўлиб тарбияланишларида катта роль ўйнайди. Шуқри, уч йилдан бери клубимизга нафақат пойтахтимиздан, балки айрим вилоятлардан ҳам ёшлар келиб

иштирок этмоқда. Мухими, билимга чанқок, у-шу спортга қизиқувчи ёшлар мамлакатимиз миқёсидаги мусобақаларда ҳам, халқаро турнирларда ҳам совринли ўринларни қўлга киритиб келишга тиланиб қувонарли ҳол. Дарҳақиқат, мураббий таъкидлаганидек, клуб аъзоларидан Руслан Эргашев, Комила Абдуҷабборова, Илҳом Умиров, ака-ука Ҳасан-Ҳусан Ҳусундинов, Жаҳонгир Иброҳимов, Асал Парпиева, Жаҳонгир Ҳўжаев, Саидамир Абдуҷаб-

боровлар жаҳон миқёсида уюштирилаётган мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга тиланиб, савринли ўринларни қўлга киритишга тиланиб. Бу ютуқ ва муваффақиятларга клубда ёшларнинг у-шу спортни билан шуғулланишлари, вақтида дам олишлари, овқатланишлари учун яратилган шарт-шароитлар замин бўлиб хизмат қилмоқда. Хулоса ўрнида шунч таъкидлаш жоизки, спортнинг у-шу тури ёшларимиз орасида янада оммалашади. Иқтисодий ёш спортчиларимиз юртимиз байроғини халқаро ареналарда муваффақият қозониб баланд ҳилпиратавердилади. Акбар Йўлдошев СУРАТЛАРДА: «Forum Union Sport» клуби фаолиятидан лавҳалар Алексей Попов олган суратлар

АЗИС — ДАЪВОГАРЛАР САҒИДА ҲАР ЙИЛИ ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ ТОМОНИДАН ҚИТЪАМИЗНИНГ «ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИ»НИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА СЎРОВНОМА ЎТҚАЗИШ ВА ҒОЛИБ ЧАРМ ТЎП УСТАСИНИ ТАҚДИРЛАШ АНЪАНИГА АЙЛАНГАН.

Қуни кеча Осий футбол конфедерациясининг расмий сайтыда 2007 йилги Осийнинг «Энг яхши футболчиси» номинациясига номзод дастлабки 33 нафар футболчининг рўйхати эълон қилинди. Шуниси қувонарлики, рўйхатда «Қурувчи» жамоасининг моҳир ёш футболчиси, Ўзбекистон миллий

ва олимпия терма жамоалари аъзоси Азис Ҳайдаров ҳам бор. Биз ўзбекистонлик мухлислар Азисга қиътамининг «Энг яхши футболчиси» деган шарафини номини эгаллашни тилаб қоламиз. (Ўз мухбиримиз)

НАВБАТДАГИ МУСОБАҚАГА ТАЙЁРГАРЛИК

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЁШ СПОРТЧИЛАРИДАН ИБОРАТ ЎҚ ОТИШ БЎЙИЧА МЕРГАНЛАР 18-22 СЕНТАБР КҮНЛАРИ БЕЛОРУССИЯНИНГ БРЕСТ ШАҲРИДА ЎТҚАЗИЛАДИغان ЕВРООСИЁ ЎЙИНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШМОҚДА.

Евроосий ўйинларида Белоруссия, Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Ўзбекистон терма жамоалари ғолиблик учун кураш олиб боради. Ҳндан ташқари мусобақада иштирок этиш учун Озарбойжон, Украина, Молдова ва Литва давлати спортчилари ҳам қатнашиб истагини билдирган. Биринчи бор ташкил этилаётган чемпионатда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан минг нафарга яқин иштирокчиларнинг қатнашиши кўтилмоқда. Айни пайтда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган мерганлар чемпионатга қизгин тайёргарлик кўришмоқда. 1990-1992 йилларда тузилган ёш спортчилар энгил атлетика, ўқ отиш, курашнинг тўртта тури, байдарка ва каноэда эшак эшиш, спорт гимнастикаси, чим устида хоккей ва волейбол бўйича ўз имкониятларини синовдан ўтказишади. Ўқ отиш бўйича делегация таркибидан тўрт нафар мерганлар ўрин олишган. Гарчи ҳамюртларимиз бу каби чемпионатда илк бор ўз омадларини синаб кўришсада халқаро мусобақалардаги орттирилган тажриба ўз сўзини айтиши табиий. Боз устига ёшларимиз мусобақага тайёргарлик машқларини олимпиада йилларидан бир неча бор иштирокчилари Дилшод Мухторов, Вячеслав Скаромов каби халқаро тоифадаги спорт усталари билан ҳамжihatлиқда олиб боришмоқда. Евроосий чемпионатида ватанимиз шарафини Дмитрий Бахтиёров, Дмитрий Петенка, Сергей Золотих ва Мария Финимонова ҳам қилишади. Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ НАВБАТДАГИ АУКЦИОНИГА МАРҲАМАТ! Тошкент шаҳри С.Раҳимов тумани, М.Урозбоев кўчаси, 1-а уй манзилида, нархлари охири бориш тартибида 2007 йилнинг 23, 30 октябрь ва 6, 13, 20 ноябрь кунлари соат 11:00да қуйидаги автотранспорт воситалари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Table with 6 columns: T/P, Автотранспорт воситаси номи, Бошланғич нархи (сўм), Суд ижросиси, Суд органи, Ижро ҳужжати №, Сақланаётган манзили. It lists various vehicles for auction.

Автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишдан бир кун олдин тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби билан, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, ИНН: 200933850, 2021000700571452067 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. ОМАД АГАР ЮЗ КЕЛСА, ЭТАГИДАН ТУТ МАҲКАМ! КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИГА ИШОНЧ ДОИМ МУСТАҲКАМ! Қўшимча маълумотларни 228-79-52 телефони ва www.rkmb.uz сайтидан олиш имкониятига эгадир. Кўчмас мулк кетмас давлат! Биржамизга марҳамат!

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ. Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Буюртма Г- 806

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиқларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонга мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-й. 1 2 3 4 5

Топширилган вақти: 13:15